

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАДИРОВ САНЖАР САРДАРОВИЧ

**СОН СУЯГИ БОШЧАСИ ЎСМИРЛАР ЭПИФИЗЕОЛИЗИНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Кадиров Санжар Сардарович

Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеализини диагностикаси
ва хирургик даволашни такомиллаштириш3

Кадиров Санжар Сардарович

Усовершенствование диагностики и хирургического лечения
юношеского эпифизеализа головки бедренной кости у подростков21

Kadirov Sanjar Sardarovich

Improvement of diagnostics and surgical treatment of slipped
capital femoral epiphysis in adolescents31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАДИРОВ САНЖАР САРДАРОВИЧ

**СОН СУЯГИ БОШЧАСИ ЎСМИРЛАР ЭПИФИЗЕОЛИЗИНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Илмий раҳбар: Салиев Муратжан Мухаммадович
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Дурсунов Ахмат Маликшаевич
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «22» сентябр соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent.@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (38 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru.

Диссертация автореферати «07» сентябр 2021 йил куни тарқатилди

(2021 йил «07» сентябр даги 38 рақамли реестр баённомаси)



М.Э. Ирисметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозиди болалар ортопедияси соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган балоғат ёшида ривожланадиган касаллик ҳисобланади. Ушбу касаллик сон суяги бошчаси эпифизининг ўсиш зонасида яширин ёки ўткир силжиш, ҳатто тўлиқ ажралиш ҳолатларида ифодаланиб, 100 000 ўсмирлар орасида 0,2 дан 10 гача учрайди. Хасталик ўз вақтида аниқланмаслиги даволаш тактикаси катта ҳажмли операциялар ва қўшимча травматизацияси каби катта муаммоларга олиб келади. Нотўғри танланган даволаш тактикаси эса ўз навбатида хондролитлар, коксартрозлар, бўғим ҳаракатларининг чекланишлари ва ўсмирларда эрта ногиронликнинг вужудга келишини оширади. Бугунги кунда «... операциялардан кейинги асоратлар 18-52%ни ташкил қилади...»¹. Ушбу ҳолат патология ривожланишининг кечки босқичларида аниқланиши билан тўғридан тўғри боғлиқ ҳамда амалий ортопедиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозидини ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга бағишланган қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: сон суяги бошчасини очиқ усулда реконструктив операциялари, сихлар тўпламидан фойдаланган ҳолда хирургик даволаш ва ташқи фиксация аппаратлари ёрдамида сон суяги бошчасини тиклаш усуллари, ёпиқ репозиция турлари, метал мосламалар ёрдамида эпифизеозлаш, сон суяги бошчасининг қон билан таъминланишини сақлаган ҳолда ўтказиладиган хирургик операция турлари, электростимуляция даволаш каби илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда такомиллаштириш алоҳида касб этмоқда. Касалликнинг дастлабки босқичларида ўзига хос ва мутлақ клиник, биохимик ва рентгенологик аломатларнинг мавжуд эмаслиги, амалдаги операциялар самараси етарли даражада эмаслигини инобатга олган ҳолда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозидини унинг тури ва кечишига кўра хирургик даволаш усуллари оптималлаштириш муҳим ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан ортопедик патологияларини эрта ва аниқ ташхислаб, оптимал даволаш услубларни қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, «...аҳолига юқори ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ўсмирларда сон суяги бошчаси эпифизеозиди ҳолатини тиклаш даражасида даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш болалар

¹ Yildirim Y.,Bautista S., Davidson R.S. Chondrolysis, osteonecrosis and slip severity in patients with subsequent contralateral slipped capital femoral epiphysis./J.Bone.Joint.Surg.Am.2008;90:485-495.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

ортопедиясининг долзарб йўналишларидан бири бўлиб, асоратларини олдини олиш, замонавий технологияларни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни мақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи чаноқ-сон бўғимининг энг оғир касалликларидан биридир. Ушбу эндокрин-ортопедик касалликнинг асосида жинсий гормонлар ва ўсиш гормонлари тоғай эпифизар пластинкаларининг ҳаёт фаолиятида асосий роль ўйнайди, улар ўртасида десинхронизация жараёни ётади (Краснов А.И. ва ҳаммуал., 2015). Бу касалликни даволашнинг ютуғи кўп жihatдан ўз вақтида ташхис қўйишга боғлиқ. Касаллик мураккаб патология бўлиб, ташхис қўйилган беморларда клиник кўриниши жуда ўзгарувчан, ва уларнинг клиник кўринишлари бир қатор омилларга боғлиқ (ирсий мойиллик, ёши, бўйи, вазни ва бошқалар) (Murray and Wilson, 2008; Novais and Millis, 2012). Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини даволашнинг асосий усули жарроҳликдир. Жарроҳлик тактикаси масалалари ҳозир кунда ортопедлар томонидан ноаниқ ечим топмоқда. Бир томондан, сон суяги бошчасининг бир босқичли ёпиқ репозицияси билан кейинчалик эса остеосинтезга устунлик берилади, бошқа томондан, дистракцион усуллар ва сон суяги проксимал қисмини реконструкциялаш усуллари танланган усул деб ҳисобланади (Басков В.Е., Барсуков Д.Б., 2018, Valenza 2016). Икки босқичли даволаш тарафдорлари эпифизнинг ўткир силжиши даврида, эпифизга қон қўйилиши кескин ёмонлашганда, кўшимча манипуляциялар вазиятни янада ёмонлаштириши мумкинлигига таянадилар (Tokmakova K.P., Stanton R.P., Mason D.E., 2003; Klug R., McCarthy J., 2004.; Gekeler, 2007). Шунинг учун, ўткир даврда эпифизни силжиш ҳолатида барқарорлаштириш ёки спонтан синостозни кутиш таклиф этилади. Иккинчи босқичда кечиктирилган тузатувчи вертеларо остеотомия ўтказилади (Ахтямов И., Абакаров А., Белецкий А ва бошқ., 2008).

Ўзбекистонда сон суягини бошчасини ўсмирлар эпифизеолизини диагностикаси ва даволаш усуллари бағишланган тадқиқотлар жудаям кам,

шу жумладан ва бу сохага яқин бўлган илмий ишлар сон суяги проксимал қисмидаги патологик чиқишлардан кейин реконструктив операциялар такомиллаштирилган (Холов З.С. 2007), Джураев А.М., Валиева К.Н.лар (2017) сон суягини бошчасини Пертес касаллигида янги даволаш усули тадқиқ этилган. Авторлар ўзларининг тадқиқод доирасида сон суягини бошчасини қон билан таъминланишига катта аҳамият берилган бўлиб илмий тадқиқодлар ўтказилган. Шунга қарамай, сон суяги бошчасини ўсмирлар эпифизеозини диагностикаси ва хирургик даволаш тактикалари етарли даражада такомиллаштирилмаган ва илмий асослаб берилиши ўз навбатида қийинчиликлар олиб келмоқда.

Бир босқичли даволаниш сон суяги бошчаси эпифизининг очик репозициясининг турли хил вариантлардан фойдаланишни талаб қилади. Ушбу ёндашувдан фойдаланган муаллифлар оғир беқарор шаклларда эпифизининг очик репозициясини нафақат эпифизининг нотўғри ҳолатини тузатишга имкон берадиган, балки сон суяги бошчасининг асептик некрозини ривожланиш хавфини оширадиган бир қатор омилларни бартараф этадиган операция деб ҳисоблашади (Ganz R., Gill T.J., Gautier E., 2001, Chen R.C.2009). Сон суягини бошчасини ўсмирлар эпифизеозини бартараф қилишнинг очик усуллари асептик некроз каби оғир ва жиддий асоратининг юқори хавфини туғдиришини ҳисобга олиб бир нечта хамкасбларимиз ёпиқ хирургик усулларни тарафдорлари ҳисобланадилар (Sailhan., 2011, Seller., 2006, Lehmann., 2011, Sharma V., 2014). Бир томонлама касаллик бўлган беморларда иккинчи томонини профилактик нуқтаи назарида эпифизеоз қилишни тавсия қиладилар (Барсуков Д.Б., 2019, Vertram С., 2007, Yildirim Y., 2008, Belangero S., 2011, Basar H., 2012, Kim, 2013.). Шундай қилиб, хирургик даволашга турли хил ёндашувлар фониди, аҳолига ўз вақтида ва сифатли ортопедик ёрдам кўрсатиш учун бу касалликни хирургик даволаш бўйича аниқ тавсиялар ва кўрсатмаларни аниқлаш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаса иш режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра ПЗ-2017092849 «Болаларда таянч-ҳаракат аппаратининг шикастланиши ва касалликлари оқибатларини даволашнинг янги кам инвазив усулларини ишлаб чиқиш» амалий гранти доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўсмирларда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини эрта ташхис қўйиш ва жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозининг биохимик, клиник ва рентгенологик дастлабки аломатларини баҳолаш;

сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини диагностикаси алгоритминини ишлаб чиқиш;

сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини хирургик даволашнинг каминвазив усулини такомиллаштириш;

сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини баҳолаш;

такомиллаштирилган хирургик даволаш усулини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида 2011-2020 йилларда туғма скелет деформациялари бўлимида даволанган сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини билан оғриган 87 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини бўйича операция қилинган болаларда ўтказилган клиник, рентгенологик, биокимёвий ва томографик тадқиқотлар натижалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида илмий ишни бажариш жараёнида клиник, рентгенологик, биокимёвий, томографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ўсмирлар эпифизеозини хирургик даволашнинг такомиллаштирилган каминвазив усули орқали тизза бўғимини 90° букилган ҳолатда репозиция қилиш ва канюлаланган винт билан перкутан остеосинтез ўтказиш мобайнида эпифизни стабил фиксация қилиш имконияти исботланган;

ўсмирларда метаболик маркерлар ва ўсиш гормонларининг лаборатор ўзгаришлари касалликнинг патогномоник аломати эканлиги ва рентген текшируви натижалари билан биргаликда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини эрта босқичда аниқланиши исботланган;

чаноқ-сон бўғимини аксиал рентгенологик текширув асосида сон суяги бўйинчасининг пастки қирғоғи бўйлаб ўтказилган чизиғи эпифизни кесиб ўтган ҳолатида касалликнинг дастлабки аломати эканлиги исботланган;

таклиф этилган клиник ва рентгенологик диагностик белгилар комплекси орқали касалликнинг дастлабки босқичларида хавф гуруҳини қайд этиш ва патологияни ўз вақтида аниқлаш мумкинлиги асосида сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини жарроҳлик йўли билан даволаш самараси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир босқичли репозиция ва битта канюлланган винт билан перкутан фиксация усулининг такомиллаштирилиши кам жароҳатли услуб эканлиги, даволаш мобайнида эпифизни стабил фиксация қилиши, иммобилизация даврини қисқартириши ва сон суяги бўйинчаси вужудга келиши мумкин бўлган калталиқни олдини олиши исботланган;

сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини эрта ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм патологияни ўз вақтида аниқлаш ва самарали хирургик даволаш натижаларини яхшилаши исботланган;

болалардаги метаболизм ва ўсиш гормонлари маркерлари лаборатория ўзгаришлари касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида муҳим мезон эканлиги исботланган;

таклиф этилган аксиал рентгенологик текширувида сон суяги бўйинчаси пастки қирғоғи бўйлаб ўтган чизикдан иборат бўлган белги эпифизнинг дастлабки силжиши касалликнинг ўткир сурункали кечишини тасдиқлаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги клиник, рақамли рентгенологик, компьютер-томографик ва статистик усуллар билан шунингдек, олинган маълумотларни компьютер технологиялари ёрдамида қайта ишлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсмирлар эпифизеозини хирургик даволашда тизза бўғимини букилган ҳолатда репозиция қилиш, спонгиоз винт билан перкутан остеосинтез ўтказиш орқали эпифизни стабил фиксация қилиш усулининг ишлаб чиқилганлиги, аксиал рентгенологик текшируви ёрдамида сон суяги бўйинчаси пастки қирғоғи бўйлаб ўтган чизикдан иборат бўлган белги эпифизнинг дастлабки силжиши касалликнинг ўткир сурункали кечишини тасдиқлаши, метаболизм ва ўсиш гормонлари маркерларининг ўзгаришлари ушбу касалликнинг патогномоник аломати эканлигининг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини билан оғриган беморларни даволашнинг функционал натижасини яхшилашга имкон бериши, шунингдек, меҳнат ва ижтимоий чекловлар ҳажмини камайтириши, сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини эрта ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм патологияни ўз вақтида аниқлаш ва шу билан бирга ўсмирлар эпифизеозини хирургик даволаш натижаларини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда сон суяги бошчаси эпифизеозини диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ўсмирларда сон суяги бошчаси эпифизеозини ташхислаш ва даволаш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сон суягини бошчасини ўсмирлар эпифизеозини жарроҳлик йўли билан даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январидаги 8н-р/20-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўсмирлар сон суяги бошчаси эпифизеозини даволаш натижаларини яхшилашга олиб келган;

Ўсмирларда сон суяги бошчаси эпифизеозини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Хоразм ва Наманган вилоятларининг кўп тармоқли клиникалари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январидаги 8н-р/20-сон маълумотномаси). Олинган натижалар сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеозини ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштирилган минимал инвазив усулининг тавсия этилиши сон суяги бошчасининг асептик некрози хавфини 3% дан 0% гача, сон суяги бошчасини

хондролизи 15,8% дан 4% гача, коксартроз ва контрактуларни 16,2% дан 3 гача камайтиришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2таси халқаро ва 4таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 3таси республика ва 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги, диссертациянинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган натижалари кўрсатиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи диагностикаси ва хирургик даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи учрашининг частотаси, этиологияси ва патогенези масалалари бўйича адабий маълумотлар келтирилган. Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи диагностикасининг турли хил клиник ва рентгенологик мезонлари келтирилган, ушбу патологияни даволашнинг турли усуллари кўриб чиқилган. Сон суягини бошчасини ўсмирлар эпифизеолизи ҳақида тушунча берилган, ташхислаш воситаси сифатида лаборатория, клиник ва рентгенологик текширувлари ҳақида баён этилган. Бу касаллик бўйича операциядан олдинги ташхислаш ва режалаштириш муаммолари белгилаб олинган. Қўлланиладиган металл мосламалар, услублар ва асоратлар хавфининг ортиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўз ичига олган. Муаммоларни ҳал қилиш истикболли йўллари белгиланган ва у сифатли, кам жароҳат етказувчи усуллари ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, шунингдек, беморларни текшириш учун ишлатилган усуллари тақдим этилган. Ишни бажариш жараёнида сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи билан касалланган ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт

марказида 2011-2020 йилларда даволанган 87 нафар бемор диссертация тадқиқотига киритилган (94 та чаноқ-сон бўғими). Улардан: кизлар - 30, ўғил болалар – 57 нафарни ташкил этган. Анъанавий усул билан даволанган беморларнинг тадқиқот материали анъанавий усул бўйича даволанган 38 беморни ташкил этди (40 та чаноқ-сон бўғими), ва бизнинг таклиф этилган усулимиз бўйича даволанган беморлар сони 49 кишини ташкил этди (54 та тос-сон бўғими). 80 та (91,9%) беморда бир томонлама шикастланиш: 33 беморда – ўнг томонлама ва 47 да - чап томонлама шикастланиш кузатилган, 7 та (8,04%) беморда икки томонлама шикастланиш кузатилган.

Беморларни текширишда клиник, рентгенологик, МСКТ, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган. Клиник текширув давомида натижаларни баҳолаш J.Ireland схемасига мувофиқ ўтказилган.

Диссертациянинг **«Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усуллари тавсифи»** деб номланган учинчи боби сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган иккита бўлимдан иборат. 3.1- бўлимда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини анъанавий усуллар билан жарроҳлик даволашнинг бугунги кунга қадар амалга оширилган асосий тамойиллари, жарроҳлик аралашувларни бажариш техникаси, шунингдек операциядан кейинги даволаш тадбирлари келтирилган. 3.2- бўлимда биз томонимиздан ишлаб чиқилган усул бўйича сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини жарроҳлик даволашнинг асосий тамойиллари келтирилган. Ушбу усул ўсмирларда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини жарроҳлик даволашнинг каминвазив усулидир. Биз таклиф этаётган усулнинг бошқа усулларида ажралиб турадиган элементлари - бу тизза бўғимининг 90 ° бурчак остида эгилиши, ушбу манипуляция репозиция сифатини яхшилайти ва мушакларнинг бўшашиши ҳисобидан чаноқ-сон бўғимидаги босимнинг пасайишига олиб келади, винтнинг охиригача буралмаганлик тамойили сон суяги бўғимининг қисқариши ва конструкцияни олиб ташлаш билан боғлиқ асоратларнинг олдини олиш учун ҳамда ўрнатиладиган винтни аниқ ўлчаш билан изоҳланади.

Операция жараёни: Жарроҳлик аралашуви вена ичига юбориладиган оғриксизлантириш остида боланинг орқаси билан ётган ҳолатида, оёқни максимал ротация қилиш (1-расм, а) билан операция столида амалга оширилади. Операция электрон-оптик ўзгартиргич назорати остида амалга оширилади. Касалликнинг ўткир ва ўткир сурункали кечиши билан бўлган беморларда эпифизнинг ёпиқ репозициясини тизза бўғимида 90° букилган ҳолатда (1-расм, б) оёқни максимал даражада ички ротация орқали амалга оширилади (1-расм, в). Кейин эса ушбу ҳолатда оёқнинг пассив ички ротацияси амалга оширилади. Оёқ операция столига мустаҳкамланади (1-расм, в). Суяк бўлақларини тўғри солинганлигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, электрон-оптик ўзгартиргич назорати остида, махсус резьбалар ёрдамида мустаҳкамланувчи сихнинг йўналиши тери маркери билан киритиш схемасини яратиш орқали анатомик мўлжалларни схематик тарифи ёрдамида

аниқланади. Соннинг латерал юзасида - бурғулаш ёрдамида ён ёндашувдан бошлаб, спица перкутан тарзда соннинг подвѳртел соҳасига бўйин орқали эпифизга ён томондан ичкарига, пастдан юқорига қараб йўналтирилган ҳолда киритилади (2-расм, а). Спица эпифизда эканлигига ва сон суяги бўйнидан ўтганидан ишонч ҳосил қилингандан сўнг, ушбу спицага канюлланган парма ўрнатилиши амалга оширилади ва канюлланган винт учун канал яратилади. Кейин, киритиладиган винтнинг узунлигини аниқлагандан сўнг, канюлланган винт илгари ўтказилган спица бўйлаб бураб киргизилади.



а



б



в



г

1-расм. Репозиция босқичлари: а-оёқни максимал узоклаштириш; б- тизза бўғимини 90°га буқиш; в-оёқни ички ротация қилиш; г- мустахкамлаш.

Иккита проекцияда рентгенологик текширув назоратидан сўнг сих олиб ташланади ва ярага битта чок тикилади (2-расм, б). Яра асептик эритмалар билан ювилади, асептик боғлам қўйилади.

Таклиф этилган даволаш усули сон суяги бошчасининг ўсмирлар эпифизеолизи бўлган 49 нафар беморда (54 та чаноқ-сон бўғимларида) қўлланилган. Барча беморларда сон суяги бошчасини ёпиқ репозицияси ва кесимсиз ёндашув, яъни перкутан канюлаланган винт билан сон суягининг бошчаси эпифизеодез усули орқали мустахкамланган. Ўтказилган жаррохлик муолажасидан сўнг оёқлар гипслар боғлами ёрдамида иммобилизация қилинган. Касалликнинг ўткир кўринишда кечиши ҳолатларида бир томонлама кокситли боғлам қўйилган ва ўткир сурункали кечиши ҳолатида деротаторли компонент билан этикча турида гипсли боғлам қўйилган.



а



б

2-расм. Перкутан остеосинтез. а-винтни ўрнатиш; б-ярани ёпиш жараёни.

Диссертациянинг «Сон суяги бошчасида ўсмирлар эпифизеолизи бўлган беморларни хирургик даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобда сон суяги бошчасининг ўсмирлар эпифизеолизи билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашдан олинган натижалари келтирилган, шунингдек, хатолар ва асоратлар таҳлил этилган.


Даволаш натижалари J. Ireland схемаси бўйича баҳоланиб, улар учта асосий қисм: субъектив, клиник ва рентгенологик маълумотларни ташкил этди (1-жадвал), бунда натижалар операциядан 6 ойлик муддат ўтгач таҳлил қилинди (3-расм).

1-жадвал

Операция натижаларини J. Ireland схемаси (1978) бўйича баҳолаш


Баҳолаш мезонлари		Балл
Яхши	Оғриқ ёки оқсоқлик йўқ, чаноқ-сон бўғими ҳаракатлари чекловларсиз, сон суяги бошчаси думалоқ шаклда, бўғим ёриғи нормал ҳолатда, бўйин-эпифизар бурчаги 20° гача ўзгариши	5
Қониқарли	Вақти-вақти билан, кўпинча жисмоний зўриқишдан сўнг, оғриқнинг такрорланиши ёки баъзан оқсоқланиш. Чаноқ-сон бўғимида букиш 90° дан кам эмас, бошча шакли бироз яссиланган, бўйин-эпифизар соҳасида дўнглик пайдо бўлади	4
Қониқарсиз	Доимий оғриқ ва оқсоқланиш, фаолликнинг чекланиши. Чаноқ-сон бўғимида букиш 90° дан кам, стабил деформация (эгилиш ёки ташқи ротация ҳолатида), дегенератив ўзгаришлар, бўғимдаги оғир деформация	3

Ушбу мезонларнинг бундай детализацияси жуда оқилона, чунки айни беморнинг субъектив ҳиссиётлари кўп даражада унинг ҳозирги пайтдаги ҳаёт сифатини белгилайди.



3-расм. Операция натижаларининг J.Ireland схемаси бўйича тақсимланиши

67 нафар ўсмирларда 4-5 балл мавжуд бўлиб, улар яхши, қониқарли ва қониқарсиз натижалар сифатида баҳоланди. Ушбу беморларнинг 45 нафари ёпиқ репозиция ва перкутан остеосинтез усули билан операция қилинган беморлардир. 15 та бемор анъанавий усул бўйича 5 балл олди. 12 та беморда 4 балл ва 1 та бемор 3 балл олган. Ушбу бўлимда 1 бемор қониқарсиз кўрсаткичлар билан қайд этилди (4-расм).




4-расм. Натижаларнинг қўлланилган усуллар бўйича тақсимланиши

Беморларни кузатиш шуни кўрсатдики, операция қилинган оёқнинг энг муҳим функционал бузилишлари букилиш функциясининг бузилиши, буришнинг чекланиши ва эгилувчанлик функциясини озгина бузилишига боғлиқ, бу 2-жадвалда акс эттирилган. Чаноқ-сон бўғимини ноқулай ҳолатдаги контрактурасининг мавжудлиги субъектив ва рентгенологик мезонлар даражасидан қатъий назар ушбу натижа умуман олганда қониқарсиз деб ҳисобланади.

Чанок-сон бўғимида ҳаракатлар ҳажми қиёсий жиҳатлари

Букиш (flexion)		Ростлаш (extension)		Буриш (abduction)	
Операция-дан олдин	Операция-дан кейин	Операция-дан олдин	Операция-дан кейин	Операция-дан олдин	Операция-дан кейин
Такомиллаштирилган каминвазив усул (n-32)					
53,8°±2,3	116°±1,4	2,8°±0	0	13°±1,3	47°±0,8
Анъанавий методика (n-28)					
57,8°±2,8	107°±2,5	1,8°±0,3	0,3	14°±1,1	33,7°±2,5
P < 0,05					

Такомиллаштирилган каминвазив усул ёрдамида операция қилинган 32 беморларда яхши натижа қайд этилди. Ушбу беморларда операциядан 3 ой ўтгач, чанок-сон бўғимида ҳаракатланиш чекланмаганлиги кузатилган ва беморлар оқсоқланмасдан юриш имкониятига эга бўлишган. Таққослаш гуруҳидаги 28 бемордан 16 беморда яхши функционал натижа кузатилди ва 12 нафарида нисбий оқсоқлик ва асимметрик Тренделенбург симптоми кузатилган. 3 нафар беморда операция қилинган оёқда сезиларли оқсоқлик ва оёқнинг 2смгача нисбатан қисқариши кузатилди (4-расм).



4-расм. Турли усулларда ўтказилган операция натижаларининг тақсимланиши

Рентгенограммалар бўйича куйидаги белгилар баҳоланди: барқарорлик, конгруэнтлик ва анатомик изчиллик. Рентгенологик баҳолаш белгилари ўртача арифметик баллни ҳисоблаш йўли билан кузатилди. Операциядан олдин ва кейин куйидаги рентгенометрик параметрлар текширилди:

БДБ (бўйин-диафизар бурчак). Жарроҳликдан олдин беморларда ушбу бурчак градусининг ўзгариши 116°дан 126°гача, ўртача 122°± 3,5°ни ташкил

этган. Операциядан сўнг бу кўрсаткич 134° дан 137° гача, ўртача бу кўрсаткич $135^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$ ни ташкил этган.

ЭДБ (эпифизео-диафизар бурчак). Жарроҳликдан олдин беморларда ушбу бурчак градусининг ўзгариши 6° дан 20° гача, ўртача $13^{\circ}\pm 1,3^{\circ}$ ни ташкил этган. Операциядан сўнг ушбу кўрсаткичлар 0° дан 3° гача, ўртача кўрсаткич $1,5^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$ ни ташкил этган.

БЭБ (бўйин-эпифизар бурчак). Жарроҳликдан олдин беморларда ушбу бурчак градусининг ўзгариши 50° дан 30° гача, ўртача $40^{\circ}\pm 4,2^{\circ}$ ни ташкил этган. Операциядан сўнг БЭБ 71° дан 108° гача ўзгарган, ўртача кўрсаткич $89,5^{\circ}\pm 1,5^{\circ}$ ни ташкил этган.

Kline чизиғи. Тадқиқот давомида ушбу параметр эпифиз четининг Kline чизиғигача бўлган масофасига кўра градацияланган кўрсаткичлардан иборат эди. Операциядан олдин бу кўрсаткич 1,1дан 0,1смгача ўзгарган. Операциядан кейин ушбу рентгенометрик параметр 0 дан 1,5смгача ўзгариб турди, ўртача бу кўрсаткич $1\text{см}\pm 0,2\text{см}$ ни ташкил этди.

Ўлчаш мақсадида Kline чизиғи эпифиз усти ва мос равишда эпифиз остидаги силжиш масофасига қараб аниқланди. Ўлчов сантиметрда амалга оширилди. Эпифизнинг Kline чизиғидан пастга силжиш кўрсаткичлари салбий, юқорига эса ижобий деб ҳисобланди. 3-жадвалда таклиф қилинган усул амалга оширилгандан сўнг рентгенометрик таҳлил натижалари келтирилган.

3-жадвал

Такомиллаштирилган операция усули амалга оширилгандан сўнг рентгенометрик таҳлил натижалари

Белгилар	Норма	Операциядан олдинги кўрсаткич	Операциядан кейинги кўрсаткич
БДБ	$127^{\circ}-135^{\circ}$	$122^{\circ}\pm 3,5^{\circ}$	$135^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$
ЭДБ	0°	$13^{\circ}\pm 1,3^{\circ}$	$1,5^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$
БЭБ	90°	$40^{\circ}\pm 4,2^{\circ}$	$89,5^{\circ}\pm 1,5^{\circ}$
Kline чизиғи	+0,5-1,0см	-1,1дан 0,1смгача	$1\pm 0,2\text{см}$

4-жадвалда анъанавий операциядан кейинги рентгенометрик таҳлил натижалари келтирилган.

4-жадвал

Анъанавий операциядан сўнг рентгенометрик таҳлил натижалари

Белгилар	Норма	Операциядан олдинги кўрсаткич	Операциядан кейинги кўрсаткич
БДБ	$127^{\circ}-135^{\circ}$	$122^{\circ}\pm 3,5^{\circ}$	$125^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$
ЭДБ	0°	$13^{\circ}\pm 1,3^{\circ}$	$8,5^{\circ}\pm 0,5^{\circ}$
БЭБ	90°	$40^{\circ}\pm 4,2^{\circ}$	$67^{\circ}\pm 1,5^{\circ}$
Kline чизиғи	+0,5-1,0см	-1,1дан 0,1смгача	$0\pm 0,2\text{см}$

Ушбу бўлимдаги беморларда 60 беморда яхши натижалар қўлга киритилди, шундан 15 бемор анъанавий усул бўйича операция қилинди ва 45 бемор таклиф қилган усул бўйича операция қилинди. 16 нафар ўсмирларда қониқарли, 3 ўсмирларда қониқарсиз натижа олинган.

Операция қилинган бўғимда ҳаракатлар амплитудаси ва ҳажмининг тикланиш динамикасини баҳолаш шуни кўрсатитдики, канюлаланган винт билан ёпиқ репозиция ва перкутан остеосинтез бажарилган беморларда 3-6 ой давомида чаноқ-сон бўғимида ички ротациядан ташқари барча турдаги ҳаракатлар тикланди. Анъанавий усул билан операция қилинган беморлар гуруҳида чаноқ-сон бўғимида ҳаракатлар амплитудасининг кўпайиши операциядан кейинги 2 йил давомида кузатилди. Ireland клиник ва рентгенологик шкаласига кўра, бир вақтнинг ўзида канюлаланган винт ёрдамида ёпиқ репозиция ва перкутан остеосинтез бажарилган беморларда узоқ муддатли натижалар яхшироқ бўлган. Каминвазив жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усули билан бажарилган беморлар гуруҳида яхши натижа даволанган беморларнинг 92%да, 8% ҳолларда эса қониқарли натижа олинган. Анъанавий операция ўтказилган гуруҳда операциядан кейин беморларнинг 51,7%ида яхши, 41,3%ида қониқарли ва 6,8%ида қониқарсиз натижалар қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

J.Ireland схемаси бўйича беморларнинг даволаш натижалари

Даволаш усули	Ireland (%)		
	яхши	қониқарли	қониқарсиз
Эпифизнинг очик репозицияси	0	1(50%)	1(50%)
Анъанавий операция	15(51,7%)	12(41,3%)	2(6,8%)
Ёпиқ репозиция услубиёти ва канюлланган винт ёрдамида перкутан остеосинтез	45 (92%)	4(8%)	0

Жарроҳлик муолажасидан 1 йил ўтгач, юриш тезлигининг 94%гача тикланиши ёпиқ репозиция ва перкутан остеосинтезидан сўнг беморларда кузатилди, анъанавий операцияни ўтказган гуруҳда бу кўрсаткич 52%га яқинлашди. Барча беморларга эпифизеодез операцияси бажарилган, барча ҳолатларда синостоз юзага келган. Синостозлаш 6 ойдан 12 ойгача муддатларда содир бўлган.

Энг яхши натижалар ўсиш зонасининг винтли эпифизеодези ўтказилган сон суяги бошчаси эпифизининг енгил ва ўртача силжиши бўлган беморлар гуруҳида кузатилди. Қиёсий таҳлил анъанавий усул билан даволаш натижалари ва сон суяги проксимал қисмининг реконструктив операцияларига нисбатан ўткир, ностабил шаклларни ёпиқ репозиция йўли билан жарроҳлик даволашда энг яхши натижаларни кўрсатди.

Сон суяги эпифизининг ёпиқ репозицияси ва перкутан остеосинтези билан фронтал текисликда бўйинча офсети тиклаганлиги аниқланди. Тавсия

этилган усул қўлланилгач, беморларда горизонтал текисликда бўйинча офсети тикланиши соғлом томонда рентгенометрик кўрсаткичларга деярли тенг бўлди. Операциядан кейинги даврдаги асоратларни таҳлил қилишда анъанавий жарроҳлик амалиётини ўтказган беморлар гуруҳида сон суяги бошчаси асептик некрози частотаси 29 бемордан 2 ҳолатда (6,8%) учради. Хондроллиз 12 беморда (41,3%) содир бўлган. Тавсия этилган усул қўлланилганда хондроллиз ва асептик некроз каби асоратлар аниқланмади.

ХУЛОСА

1. Метаболизм ва балоғатга етиш гормонлари бўйича ўтказилган биокимёвий тадқиқотлар сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизининг бошланишини эрта босқичда аниқлаш имконини беради, бу эса ўз навбатида клиник ва рентгенологик тадқиқотлар билан мос келади ва ўз вақтида аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Касалликнинг дастлабки босқичида қатор рентгенологик белгилар билан бирга сон суяги бўйинчасининг пастки юзаси орқали ўтказилган чизик эпифизнинг силжишини аниқлашга, ўз навбатида касалликни ўз вақтида ташхислаш имконини беради.

3. Ишлаб чиқилган алгоритм касалликнинг дастлабки босқичида патологияни ўз вақтида аниқлаш ва шу билан ўсмирларда сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради.

4. Сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи бўлган беморларни хирургик даволашнинг такомиллаштирилган каминвазив усулини қўллаш сон суяги бошчаси асептик некрози хавфини 3%дан 0%гача, сон суяги бошчаси хондролизини 15,8%дан 4%гача, коксартроз ва контрактураларни 16,2%дан 3%гача камайтиради. Даволашнинг ушбу усулидан сўнг, сон суяги бошчаси ўсмирлар эпифизеолизи бўлган ўсмирларни эрта реабилитация қилиш ва фаоллаштириш орқали реабилитация даври қисқартирилади, бу эса ўз навбатида чаноқ-сон бўғимида операциядан кейин умумий тикланиш даврини қисқартиради.

5. Даволаш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган диагностика алгоритми ва такомиллаштирилган даволаш усули қўлланилган ҳолда беморларнинг 94%ида яхши натижага эришиш имконини беради ва фақат 6% ҳоллардагина қониқарли натижа кўрсатади, қониқарсиз натижалар эса кузатилмади. Таклиф этилган операция қўлланилган ҳолатларда олинган клиник ва рентгенологик маълумотлар чаноқ-сон бўғимининг анатомик тузилмалари ва зарарланган бўғим функцияларининг физиологик тикланишини тўлиқ кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И
ОРТОПЕДИИ**

КАДЫРОВ САНЖАР САРДАРОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ ЮНОШЕСКОГО ЭПИФИЗЕОЛИЗА ГОЛОВКИ
БЕДРЕННОЙ КОСТИ У ПОДРОСТКОВ**

14.00.22 - Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/Tib1262

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Научный руководитель: Салиев Муратжан Мухаммадович
кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Дурсунов Ахмат Маликшаевич
доктор медицинских наук

Валиев Эркин Юлдашевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Андижанский государственный медицинский институт


Защита диссертации состоится «22» сентября 2021 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули кўчаси, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent.@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за № 38). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru.


Автореферат диссертации разослан «07» сентября 2021 года

(реестр протокола рассылки № 38 от 07 сентября 2021 года)




М.Э. Ирисметов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор


У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
старший научный сотрудник


А.П. Алимов
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Юношеский эпифизеолиз головки бедренной кости - заболевание подросткового возраста, часто развивающееся на фоне дисбаланса эндокринной системы, представляющее собой скрытое или острое смещение либо даже полное отделение эпифиза на уровне ростковой пластинки, которое встречается от 0,2 до 10 на 100 000 детей подросткового возраста. Несвоевременная диагностика юношеского эпифизеолиза головки бедренной кости ведет к большим проблемам в выборе тактики лечения и объема выполнения операций, что в свою очередь, увеличивает риск возникновения хондролитов, коксартрозов, тугоподвижности в тазобедренном суставе и развития ранней инвалидности у подростков. На сегодняшний день «...процент осложнений после проведенных операций составляет от 18 до 52%...³», что напрямую связано с выявлением данной патологии на позднем этапе развития.

В мире прогресс в диагностике и лечении юношеского эпифизеолиза головки бедренной кости отмечается с внедрением в практику высокоточных методов обследования и инструментария позволяющего производить операции малоинвазивным путём, в том числе проведены томографические и компьютерные исследования. На точность и качество диагностики, безусловно, влияет и тот фактор, что начальные стадии юношеского эпифизеолиза головки бедренной кости не имеют специфических и абсолютных симптомов данного заболевания. Наряду с этим недостаточно разработаны методики раннего и своевременного выявления юношеского эпифизеолиза и оперативного лечения в зависимости от вида течения юношеского эпифизеолиза головки бедренной кости, отсутствует единая точка зрения в отношении возрастных показаний к оперативному вмешательству, уделено мало внимания послеоперационной реабилитации пациентов. Немногочисленные публикации об отдаленных результатах лечения указывают на значительное количество осложнений, возникающих после оперативного вмешательства.

В нашей Республике одной из основных задач службы медицинской помощи является обеспечение коренного улучшения качества оказываемых медицинских услуг населению при повреждениях опорно-двигательного аппарата и проведение комплексных целевых мероприятий. К ним относятся такие важные поставленные задачи, как «...оказание качественной специализированной медицинской помощи населению...»⁴. Реализация данных задач, в том числе улучшение анатомо-функциональных результатов лечения больных с юношеским эпифизеолизом путем усовершенствования оперативных методов и своевременной диагностики данной патологии. является одним из актуальных направлений в травматологии и ортопедии детского возраста.

³ Yildirim Y.,Bautista S., Davidson R.S. Chondrolysis, osteonecrosis and slip severity in patients with subsequent contralateral slipped capital femoral epiphysis./J.Bone.Joint.Surg.Am.2008;90:485-495.

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-№5199 «О мерах усовершенствования оказания специализированной медицинской помощи населению» от 28 июля 2021 года

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2018 года, «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» от 9 декабря 2018 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов здравоохранения» от 12 июня 2017 года за №ПП-3052 и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

